

Дунёни титратган зот

Давлатимиз мустақиллигининг биринчи кунлариданоқ асрлар давомида аждодларимиз яратган улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклашга катта аҳамият берилди. Ўзбекистон халқи ўз тарихини тиклаш, ҳақсиз унутилган номларни, жаҳон ривожланишида муҳим роль ўйнаган тарихий шахсларни ёруғликка чиқариш имкониятига эга бўлди. Моҳир саркарда ва сиёsatчи, ислоҳотчи, савдо-сотик, ҳунармандчилик илм-фан ва маданият ҳомийси бўлган Амир Темур ана шундай шахслар қаторида туради. “Ер ресурсларини бошқариш” факультети декани Ш.Нарбаев ва факультетнинг ёшлар билан ишлаш бўйича декан мувовини Ҳуррият Эшова ташабbusи билан бугун буюк саркарда таваллуд кунига бағишлаб, 4-талабалар турар жойида тадбир бўлиб ўtdи.

Тадбирда тарих фанлари доктори, профессор Ш. Ўлжаева ва Юридик фанлари номзоди, доцент Г. Худойбердиева “Дунёни забт этган миллатимиз фахри, буюк зот Ватанимиз кечмиши, бугуни соҳибқирон Амир Темур ҳаёт йўллари” мавзусида ўз маъruzalari билан иштирок этишди. Улар ўз нутқида Амир Темур марказлашган давлатга асос солиб, унинг куч-қудратини ҳар томонлама мустаҳкамлаб ва ривожлантириб, шон-шуҳратини бутун жаҳонга ёйди. Буюк салтанатнинг ҳукмдори сифатида миллатлар ва халқларни бирлаштириди.

Унинг даврида, илм-фан, меъморчилик, тасвирий санъат, мусиқа, шеърият юқори чўққиларга кўтарилиди. Бир сўз билан айтганда, Темурийлар даврида асос солинди. Ана шу тарихий ҳақиқат мамалакатимизни биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовни доимо тўлқинлантириб келарди ва шу боис янги бир ғоя намоён бўлди. Бу – буюк бобокалонимиз хотирасини ўз она тупроғида, Ўзбекистонда агадийлаштириш ғояси эди. Шунга асосан биринчи Президентимизнинг фармони билан 1996 йил Амир Темур йили деб эълон қилинди ва унинг 660 йиллик юбилейи республикамиизда кенг нишонланган деб талаба-ёшларга маълумотлар бериб ўтишди. Тадбир қизғин баҳс-мунозараларга бой бўлиб, профессор-ўқитувчилар ва талаба-ёшлар фаол иштирок этишди. Мутахассислар талаба-ёшларнинг саволларига ўз маъruzalariда берган маълумотлардан ташқари талаба-ёшларга буюк зот саркарда Амир Темур ҳаёти, унинг лой жанглари тўғрисида маълумотлар бериб ўтишди. Шундан сўнг декан мувовини Ҳ. Эшова барча тадбир иштирокчиларига ўз миннатдорчилигини билдирган ҳолда тадбирни якунлади.



ЕРБ факультети Ёшлар билан ишлаш бўйича декан мувовини Ҳуррият Эшова ахбороти

Институтнинг матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов